

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиклик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Андижон Бетон курувчи” МЧЖ номидан Низом асосида дирекори А.Толибжонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Тарифлар

### 1.Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**“ижро хужжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**“курилиш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилаб қўйилади.

**“вактинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:**- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартномани нархини бўлиб чиқиши:** ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича обьектни умумий қийматини боскичларга таксимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича Андижон вилояти “Андижон шаҳар Истиқлол МФЙ 8-сон 5,6,21, Ўзбегим МФЙ Красина кўчаси 9, Хўтанариқ МФЙ Тинчлик кўчаси 3,Баркамол МФЙ 4-кичик даҳа 14,14а,14б ва Исломобод МФЙ Тошкент кўчаси 123-сонли кўп каватли уйларнинг туташ худудларида 2009 кв.м тротуарларни бетон қопламаси билан қоплаш ва 28 дона ташки ёритиш тизимини ўрнатиш ишлари” обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил лот раками “80652” электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 269 000 000 икки юз олтмиш тўккиз миллион ) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолати сабаб бўлгандан;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини обьект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш,

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 17 май, тугатилиши 2022 йил 31 декабр.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килингандан томонлар учун имзолангандан пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килингандан шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 куни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 80 700 000 (саксон миллион етти юз минг) сўм ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг колган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгилангандан тартибда кабул килингандан кейин икки боскичда;

объект кабул комиссияси томонидан кабул килинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгилангандан кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун хужжатларида белгилангандан тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориши тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгилангандан тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тұғрисидаги хұжжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланған кундан бошлаб 3 күн муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни бөглеш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларни тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофикалиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар ёпилган ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ ёпилган ишлар далолатномасининг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатидан стказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарип ташлайди.

38. Ишлар бошланған пайтдан бошлаб улар тугалланғунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан бөглиқ

тұхтаб колишилар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишин тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мүмкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### **IX. Ишларни кўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табнат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичиди келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор килинишини талаб қилишга ҳақидидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тұғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнода қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха

хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларида мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлумида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор қилиш

#### 52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишининг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

#### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувоғик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида Пудратчидан жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хуёжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

### XVII. Томонларининг банк реквизитлари ва юридик манзилари

#### “БУЮРТМАЧИ”


**Номи:** “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиклик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инженериринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали Андижон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-ўй Ш/Х 100021860034017069902110040

**ИНН :** 307 905 093  
Ўзбекистон Республикаси Молия

**Банк:** МБ ББ ХККМ Тошкент  
Х/Р 23402000300100001010


**МФО:** 00014  
**ИНН :** 201122919  
**Индекс:** 170132

**Бошлиқ:**  А.Мирзабоев

**Хукукшунос:** 

#### YURIDIK XULOSA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTIN FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQIY BAZASI" TO'G'RISIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA DILORAN USHBU SHARTNOMA HUQUQIY EKSPERTIZADAN OTKAZILDI. MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK HUJJATLARI TALABLARIGA MUVOFIO TUZILGAN.

**YURIST:** 

20\_\_yil

#### “ПУДРАТЧИ”

**Номи:** “Андижон бетон қурувчи” МЧЖ  
Манзили: Андижон ш., Кўзибойхожи кўча,  
11-ўй.

**Банк номи:** ДТ Халқ банк Андижон  
амалиёт бўлими

**Х/Р:** 20208000604850807001

**МФО:** 00649


**ИНН:** 301349229

**ОКНХ:** 61133

**Тел:** 916150605

**Индекс:**



Рахбар  А. Толибжонов